

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАҚУЛОВ АЗИЗ ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ НЕФТ ХОМ-АШЁСИДАН ОЛИНГАН ТУРБИНА
МОЙЛАРИНИ КОЛЛОИД – КИМЁВИЙ ВА ЭКСПЛУАТАЦИОН
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Хўжақулов Азиз Файзуллаевич

Маҳаллий нефт хом – ашёсидан олинган турбина мойларини коллоид-
кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларини такомиллаштириш.....3

Хужақулов Азиз Файзуллаевич

Совершенствование коллоидно-химических и эксплуатационных свойств
турбинных масел, полученных из местного нефтяного сырья.....21

Khujakulov Aziz Fayzullayevich

Improvement of colloidal-chemical and operational properties of turbine oils
obtained from local petroleum raw materials.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАҚУЛОВ АЗИЗ ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ НЕФТ ХОМ-АШЁСИДАН ОЛИНГАН ТУРБИНА
МОЙЛАРИНИ КОЛЛОИД – КИМЁВИЙ ВА ЭКСПЛУАТАЦИОН
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2457 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳамидов Босит Набиевич
Техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Адилов Бобиржон Замирович
техника фанлари доктори

Эркабаев Фурқат Ильясович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» март соат 10⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: ionxanruz@nuu.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2022 йил «10» март куни тарқатилди.
(2022 йил «10» март № 5 рақамли реестр баённомаси)



Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д.Эшметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўрибосари, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефт ва газ саноати учун ишлаб чиқариладиган мойларнинг сифат кўрсаткичларини ошириш доимий такомиллаштиришни талаб қилади. Улар замонавий техника ишлаб чиқарувчилари томонидан белгиланган меъёрларга тўғри келадиган, шу билан бир қаторда бутун дунёда қўлланилаётган ёқилғи ва мойлаш материалларининг техник талабларига жавоб бериши зарур. Шу сабабли сўнгги пайтда юқори коллоид-химмотологик ва эксплуатацион кўрсаткичларга эга бўлган турбина мойи олишнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда юқори кўрсаткичларини намоён этувчи, турли оғир эксплуатацион шароитларда ўзининг кимёвий ва дисперсион барқарорлигини сақлаб қолувчи узок муддат хизмат қилиш ресурсларига эга турбина мойларини ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий турбина мойларини кимёвий таркиби ва коллоид-химмотологик хоссаларини, уларнинг эксплуатацион хусусиятларига таъсирини аниқлаш; маҳаллий базавий мойлар ва турли функционал кўндирмаларни компаундлаб, янги таркибли турбина мойлари композицияларини олишнинг коллоид-химмотологик қонуниятларини аниқлаш; базавий мой дистиллятлари асосида замонавий талабларга жавоб берувчи турбина мойларини олиш жараёнини мақбул шароитларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий нефт хом-ашёлар асосида коллоид-химмотологик хусусиятлари яхшиланган турбина мойларини олиш технологиясини яратиш ва қўллаш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий хомашёлардан кўп функционал турли кўндирмалар асосида турбина мойларини олиш жараёнларини интенсификациялаш, уларни химмотологик ва экологик хоссаларини йўналтириб бошқаришнинг илмий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» тўғрисидаги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Нефт хомашёсидан турбина мойларини олиш, тайёрлаш ва ишлаб чиқариш технологияларини жадаллаштириш бўйича Спиркин В.Г., Гуревич Л.Г., Черножуков Н.И., Папок К.К., Семинидо Е.Г., Шор Г.И., Виппер А.Б., Фукс И.Г., Матвеевский Р.М., Буяновский И.А., ва республикамиз олимларидан: Ахмедов К.С., Арипов Э.А., Хамраев С.С., Ахмедов У.К., Хамидов Б.Н., Г.Р. Нарметова Г.Р., Сайдахмедов Ш.М. ва бошқалар улкан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Мамлакатимизда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг (ФНҚИЗ) ва Республикамиз илмий текшириш муассасаларининг етакчи мутахассислари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилиб, турбина мойларини сифат кўрсаткичларини ошириш борасида кўплаб илмий ва амалий натижалар олинган. Хусусан нефт хом-ашёдан мойлаш материалларини ишлаб чиқаришни, уларнинг сифатини такомиллаштиришни назарий асосларини ишлаб чиқиб тадбиқ этишган. Аммо, бугунги машинасозликдаги, хусусан газ турбина саноатининг ривожланиши маҳаллий мойлаш материалларини доимий такомиллаштиришни талаб қилади. Улар замонавий техникани ишлаб чиқарувчилари томонидан қўйилаётган ҳамда бир қаторда бутун дунёда қўлланилаётган API, ACEA, ILSAC, ASTM каби ёқилғи ва мойлаш материалларига қўйиладиган эксплуатацион ва экологик талабларга жавоб бериши керак. Ушбу юқорида келтирилган мойларга қўйилган талабларга жавоб берувчи маҳаллий турбина мойларини ишлаб чиқариш учун уларга коллоид – кимёвий ва эксплуатацион томондан ёндашишни талаб қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ишлаб чиқариш иккиламчи маҳсулотларидан фойдаланиб мойлаш материаллари ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш» (2019-2021йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий нефт хомашёларидан эксплуатацион ва коллоид - кимёвий хусусиятлари такомиллаштирилган турбина мойларини композицияларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий нефт мой дистиллятларини кимёвий таркиби ва физик-

кимёвий хоссаларини аниқлаш;

базавий мойлар компонентларини ва физик-кимёвий кўрсаткичларини турбина мойлари сифатига таъсирини аниқлаш;

ФНҚИЗ базавий мойлари ҳамда турли кўп функционал кўндирмалар асосида юқори сифатли турбина мойлари композицияларини олиш;

олинган турбина мой композицияларини коллоид-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш;

турбина мойлари сифатини оширувчи кўндирмаларни физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ва таъсир этиш механизминини ўрганиш;

маҳаллий ва олинган турбина мойлари композицияларини эксплуатацион хоссаларини таққослаш;

юқори сифатли турбина мойи композицияларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ФНҚИЗда ишлаб чиқарилаётган базавий мойлар, турбина мойлари, инол, Д-157, В-15/41, ПМС-200А типидоги функционал кўндирмалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Турбина мойларини химмотологик баҳолаш, коллоид-кимёвий модификациялаш, физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссалар, SAE, API ва ACEA турбина мойлари классификациялари, қовушқоқлик индекси, динамик қовушқоқлик, коагуляция, хемосорбция, компаундлашни оптималлаштириш, технологияни интенсификациялашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик–кимёвий, масс-хроматография ва элемент таҳлил, электромикроскопик, спектроскопик, коллоид – кимёвий ва эксплуатацион синов усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мавжуд ва янги композицияда олинган турбина мойлари, газ турбинасининг ишчи сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

функционал кўндирмаларнинг маҳаллий турбина мойларига таъсирини коллоид-кимёвий хусусиятларни ўрганишда, хусусан қовушқоқлик индекси 30 пунктга ошириши, паст -17°С ҳароратда қотиши исботланган;

янги композицияда олинган турбина мойларини тажриба-синов натижалари асосида эксплуатацион муддати 8000 соат давом этиши исботланган;

маҳаллий нефт хомашёсидан юқори сифатли турбина мой композициялари олиш учун базавий мойлар ва функционал кўндирмаларни компаундлашда мавжуд мойларнинг оптимал нисбати II фракциядан 70 % ва III фракциядан 30 % бўлиши аниқланган;

парафин-нафтен углеводородлардан ташкил топган нисбатан суюқ енгил мой фракцияларига инол 0,8 % , Д-157 0,02%, В-15/41 0,02 % ва ПМС-200А 0,003% кўндирмаларидан кўшиб, юқори индексли сифатли турбина мойлар олиш имконияти аниқланган;

базавий мойлар шунингдек функционал кўндирмаларни компаундлаб, юқори сифатли турбина мойлари композицияларини олишнинг технологик тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий базавий мойлар ва функционал кўндирмалар асосида, замонавий талабларга жавоб берувчи янги композициядаги турбина мойлари олишнинг технологияси яратилган;

турбина мойининг эксплуатацион хоссалари, хусусан қовушқоқлик индекси 92 дан 122 гача, яъни 30 пунктга ошириш имконияти яратилган;

ФНҚИЗда АРІ 2-гурух базавий мойларни олиш технологияси ва композицияларнинг оптимал рецептуралари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларнинг замонавий-кимёвий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда олиб борилганлиги ҳамда нефтни қайта ишлаш заводида синаб кўрилганлиги ва ишлаб чиқаришда жорий этилганлиги, турли хил тоифадаги газ турбиналаридаги синов натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар ва нефт саноат маҳсулотларидан халқаро стандартлар ва замонавий газ турбиналарининг эксплуатацион талабларига жавоб берувчи юқори сифатли турбина мойларини олиш технологиясини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хом-ашёлар асосида юқори сифатли, импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардош турбина мойларини ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, уларнинг янги композицияларини ва ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришнинг самарали услубларини қўллаш орқали мойлаш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ФНҚИЗ мой дистиллятларидан фойдаланиб, янги таркибли турбина мойларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турбина мойларининг қовушқоқлик индексини ошириш усули «Узбекнефтегаз» АЖнинг “2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш истиқболли ишланмалари рўйхати”га киритилган («UZBEKNEFTEGAZ» АЖнинг 2021 йил 17 ноябрдаги 28-1/821-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий нефт хом-ашёсидан турбина мойлари олиш рецептуралари ишлаб чиқиш имконини беради;

маҳаллий нефт хом-ашёсидан юқори сифатли турбина мойларини олиш технологияси «Узбекнефтегаз» АЖнинг “2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («UZBEKNEFTEGAZ» АЖнинг 2021 йил 17 ноябрдаги 28-1/821-сон маълумотномаси). Натижада, базавий мойларнинг II фракцияси 70 % ва III фракцияси 30 % дан ташкил топган турбина мойи композициясини олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Олий Аттестация комиссиясини диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 103 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Турбина мойлари коллоид ва эксплуатацион хусусиятларини такомиллаштиришнинг замонавий тенденцияси”** деб номланган биринчи бобида, Турбина мойларининг коллоид-химмотологик хусусиятларини такомиллаштиришнинг замонавий тенденцияси тўғрисидаги адабиётлардаги маълумотларини кўриб чиқиш орқали, мойларни ишлаб чиқариш саноатидаги асосий технологик жараёнлар тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинди, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилди, селектив тозалаш ва гидрогенлаш жараёнларидан фойдаланган ҳолда юқори индексли мойларни ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари тавсифи ўрганилди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти, турбина мойларининг коллоид – кимёвий сифатини баҳолаш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, турбина мойларининг физик кимёвий хоссалари, зичлиги, қотиш ҳарорати, таркибидаги механик аралашмалар, чакнаш ҳароратини, коллоид, механик ва кимёвий турғунлигини аниқлаш усуллари батафсил ёритилган. Илмий тадқиқот ишида турбина мойларининг физик ва коллоид-кимёвий ҳамда эксплуатацион хоссаларини аниқлаш имконини берувчи замонавий ва анъанавий тадқиқот усуллари қўлланилди.

Диссертациянинг **“Турбина мойлари коллоид барқарорлигининг илмий жиҳатлари ва янги таркибли турбина мойи олиш бўйича ўтказилган тажрибалар”** деб номланган учинчи бобида турбина мойлари

учун замонавий кўндирмалар ва уларнинг коллоид – кимёвий хоссаларига таъсир этиш механизмлари, кўндирмали турбина мойларини коллоид барқарорлиги, турбина мойларини реологик хусусиятлари, турбина мойлари кислота сони ва унга таъсир этадиган факторлар ҳамда ушбу факторларни ўзгартириш ва бошқариш орқали турбина мойларининг сифатини ошириш усуллари тадқиқ қилишги бағишланган.

1 – жадвал


Базавий (товар) мой компонентларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

| Сифат кўрсаткичларининг номланиши | Базавий мой I фр | Базавий мой II фр. | Базавий мой III фр. | Базавий мой Қолдиқ. фр. |
|---|-------------------------|---------------------------|-------------------------------|--------------------------------|
| Кинематик қовушқоқлик, сСт: 100 °С да 40 °С да 50 °С да | - - 7,62-8,8 | 4,18-4,93 20,44-27,06 | 6,52-8,24 41,78-67,36 - | 17,3-24,75 200-348,3 - |
| Қовушқоқлик индекси | 128 | 100-112 | 81-106 | 88-95 |
| Олтингугурт миқдорининг улуши, % | 0,14-0,42 | 0,22-0,6 | 0,41-0,6 | 0,51-0,79 |
| Чақнаш ҳарорати, °С | 150-160 | 176-186 | 187-216 | 226-246 |
| Колориметрда ранги ЦНТ 15:85 нисбатда аралаштирилганда, ЦНТ бирлигида | 1,0 | 1,0-1,5 | 2,5-4,5 | 5,0-7,0 |
| Қотиш ҳарорати, °С | -47-(-51) | -35-(-39) | -25-(-27) | -15-(-19) |
| Коксланиш, % | - | - | - | 0,49-0,87 |
| Зичлик 20 °Сда, кг/м ³ | 862-863 | 864-871 | 877-886 | 892-903 |
| Кимёвий таркиби, % Парафин-нафтенли углеводородлар | 66,62-78,21 | 78,6-80,2 | 95,57-96,6 | 32,4-39,84 |
| Ароматик углеводородлар миқд. ул., % | 22,7-32,2 | 33,2-44,3 | 2,8-3,2 | 57,73-65,8 |
| Смолалали бирикмалар миқд. ул., % | 0,24-0,38 | 0,1-0,2 | 0,34-0,6 | 1,7-2,08 |

Илмий тадқиқот жараёнида I-чи, II-чи, III-чи мой дистиллятлари ҳамда гудронни физик-кимёвий хоссалари ва углеводород таркибини аниқланди. Тадқиқот натижалари куйидаги жадвал ва чизмаларда келтирилган.

Юқоридаги келтирилган кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, II-чи ва III-чи мой дистиллятлари таркибида нафтен-парафинли ва ароматик углеводородлар миқдори кўп. Шу билан бир қаторда, мойларини физик-кимёвий, хусусан коллоид барқарорлигини пасайтирувчи смоласимон углеводородлар ҳам мавжуд. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, янги

таркибли турбина мойлари ишлаб чиқаришда, уларнинг таркибига дисперсион хоссаларини яхшиловчи кўндирмалар кўшиш лозим.



1 – расм. . II - мой фракцияси компонентининг углеводород таркиби селектив тозалангандан сўнг, % ларда.



2 – расм. III - мой фракцияси компонентининг углеводород таркиби селектив тозалангандан сўнг, % ларда.

Айни вақтда жаҳонда турбина мойларига кўйилган сўнгги замонавий талаблар мавжуд. 2-жадвалда L-TSA API SL/CF турдаги барча мавсумлар учун мўлжалланган турбина мойлари учун замонавий талаблар билан ФНҚИЗда ишлаб чиқарилаётган Тп-22с турбина мойининг сифат кўрсаткичлари таққослаб келтирилган.

L-TSA ва Тп – 22с мойларининг хоссалари.

| № | Кўрсаткичлар номланиши | L-TSA | Тп 22с | |
|-----|--|------------------|-------------------------------|---------------------|
| | | ISO 8086 бўйича | Ўз ДСт 1030:2018 бўйича меъёр | Ҳақиқатда |
| 1. | Кинематик қовушқоқлик, мм ² /с: 40 ⁰ С да 50 ⁰ С да | 32 22 | 28,8-35,2 20,0-32,0 | 31,62 20,98 |
| 4. | Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, ⁰ С, дан паст эмас | 186 | 186 | 188 |
| 5. | Қотиш ҳарорати, ⁰ С, дан юқори эмас | -6 | -15 | -15 |
| 6. | Қовушқоқлик индекси, дан кам эмас | 118 | 90 | 92 |
| 7. | Кислота сони, мг КОН/г, дан кам эмас | 0,02 | 0,06 | 0,04 |
| 13. | ЦНТ калориметридаги ранги, ЦНТ бирлигада, дан кўп эмас | 2,5 | 2,5 | 2,5 |
| 14. | Оксиланишга қарши барқарорлиги: - оксидланишдан кейинги чўкма миқдори - паст молекулали учувчан кислоталар миқдори, мг КОН/г - оксидалнишдан кейинги кислота сони, мг КОН/г | - 0,1 0,06 | - 0,2 0,1 | - 0,0035 0,09 |

Ҳозирги вақтда ФНҚИЗдида турбина мойлари, асосан II-чи ва III-чи мой фракцияларини компаундлаш орқали олинади. Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари эса, ушбу фракциялар таркибида смолали углеводородлар миқдорини кўплигини кўрсатди. Бу эса маҳаллий турбина мойларини дисперсион хоссаларини пасайтиради. Қуйида ФНҚИЗдида ишлаб чиқарилаётган турбина мойининг тайёрлаш рецепти келтирилган.

Тп – 22с турбина мойини тайёрланиш рецепти

| Қўндирма ва компонентларнинг номлари | Киритилиш миқдори, % |
|--------------------------------------|----------------------|
| Агидол | 0,9 % |
| Д – 157 | 0,022 % |
| В - 15/41 | 0,022 % |
| Базавий мойлар: II-нчи III-нчи | 100 % гача |

Юқоридаги 2-жадвални кўрсакичларидан кўриниб турибдики, ФНҚИЗдида ишлаб чиқарилаётган Тп-22с турдаги турбина мойи, турбина мойлари учун қўйилаган ISO 8086 бўйича L-TSA ва L-TGA талабларга қовушқоқлик индекси, қотиш ҳарорати, механик аралашмалар миқдори, кислота сони, динамик қовушқоқлиги каби кўрсаткичлари жавоб бермайди.

Диссертациянинг “**Коллоид-кимёвий ва эксплуатацион хоссалари яхшилانган янги турбина мойи композицияларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш**” деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий НҚЗлардаги нефт ва базавий мойларнинг таркиби ва хоссалари, коллоид-химмотологик хоссалари яхшиланган янги турбина мой композициялари учун оптимал таркибни танлаш, олинган ва маҳаллий турбина мойларини эксплуатацион шароитда синаш, юқори эксплуатацион хоссали турбина мойларини янги композициялари олиш технологиясини ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ФНҚИЗдида ишлаб чиқарилаётган маҳаллий Тп-22с турбина мойи, бугунги кундаги турбина мойларига қўйилган замонавий талабларга мос эмас.

ФНҚИЗдидаги базавий мойлар ва турли функционал кўндирмалар асосида янги таркибли турбина мойлари олиш учун, биз томонимиздан бир нечта рецептлар асосида турбина мойлари олинди. Ушбу мой рецептлари қуйидаги 4-жадвалда жадвалда келтирилган.

4 – жадвал

Янги таркибли турбина мойларининг олишнинг рецептлари

| Кўндирма ва компонентларнинг номлари | Тадқиқ қилинган мой рецептлари | | | | | | | |
|--------------------------------------|--------------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
| | № 1 а намуна | № 1 в намуна | № 1 с намуна | № 2 а намуна | № 2 в намуна | № 2 с намуна | № 3 а намуна | № 3 в намуна |
| II-нчи тайёр мой компоненти, % | 80 | 80 | 80 | 70 | 70 | 70 | 60 | 60 |
| III-нчи тайёр мой компоненти, % | 20 | 20 | 20 | 30 | 30 | 30 | 40 | 40 |
| Ионол, % | 0,6 | 0,7 | 0,8 | 0,8 | 0,6 | 0,7 | 0,7 | 0,8 |
| Д – 157, % | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 |
| В - 15/41, % | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 |
| ПМС – 200А, % | 0,003 | 0,003 | 0,003 | 0,003 | 0,003 | 0,003 | 0,003 | 0,003 |

Ушбу келтирилган жадвалдаги рецептлар асосида 8 турдаги янги таркибли турбина мойлари олинди ва ушбу мойларнинг физик – кимёвий хоссалари ўрганилди. Янги таркибли турбина мойларининг физик – кимёвий хоссалари қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

Янги таркибли турбина мойларининг физик – кимёвий хоссалари

| № | Кўрсаткичларнинг номлари | Турбина мойи намуналари | | | | | | | |
|----|--|-------------------------|-----------------|-----------------|------------------|-----------------|-----------------|-----------------|-----------------|
| | | № 1а намуна | № 1в намуна | № 1с намуна | № 2а намуна | № 2в намуна | № 2с намуна | № 3а намуна | № 3в намуна |
| 1. | Кинематик қовушқоқлик, мм ² /с: 40 ⁰ С да 50 ⁰ С да | 31 21 | 28 18 | 29 19 | 36 27 | 32 23 | 28 20 | 26 18 | 27 19 |
| 2. | Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, ⁰ С, дан паст эмас | 180 | 180 | 186 | 188 | 185 | 183 | 181 | 180 |
| 3. | Қотиш ҳарорати, ⁰ С, дан юқори эмас | -14 | -15 | -15 | -17 | -15 | -14 | -13 | -14 |
| 4. | Қовушқоқлик индекси | 92 | 94 | 116 | 122 | 118 | 116 | 110 | 115 |
| 5. | Кислота сони, мг КОН/г, дан кам эмас | 0,06 | 0,05 | 0,06 | 0,04 | 0,06 | 0,05 | 0,05 | 0,06 |
| 6. | 20 ⁰ С даги зичлиги, кг/м ³ , дан кўп эмас | 884 | 887 | 885 | 878 | 887 | 894 | 895 | 896 |
| 7. | Деэмулсацияланиш сони, с, дан кўп эмас | 180 | 180 | 180 | 180 | 180 | 180 | 180 | 180 |
| 8. | Калориметридаги ранги, ЦНТ бирлигада, дан кўп эмас | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 |
| 9. | Оксиланишга қарши барқарорлиги: - оксидланишдан кейинги чўкма миқдори - паст молекулали учувчан кислоталар миқдори, мг КОН/г - оксидланишдан кейинги кислота сони, мг КОН/г | - 0,2 0,1 | - 0,2 0,1 | - 0,2 0,1 | - 0,03 0,1 | - 0,2 0,1 | - 0,2 0,1 | - 0,2 0,1 | - 0,2 0,1 |

Юқоридаги мой намуналаридан, нисбатан юқори сифат кўрсаткичларини намоён этган, **1с, 2а** ва **3в** турбина мойлари намуналари ажратиб олинди ва физик – кимёвий таҳлил ва эксплуатацион тадқиқот усуллари ёрдамида уларнинг физик – кимёвий, коллоид – химмотологик ва эксплуатацион хоссалари ўрганилди. Олинган янги мой намуналарига

шартли равишда қуйидагича номланди: 1с мой намунаси – Тп-Уз1; 2в мой намунаси – Тп-Уз2; 3в мой намунаси – Тп -Уз3.

Олинган турбина мойи намуналари ва ФНҚИЗда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий Тп 22с турбина мойининг таққосланган хоссалари 6-жадвалда берилган.

6– жадвал

Олинган мой намуналари ва Тп – 22с маҳаллий турбина мойлари сифат кўрсаткичлари


| № | Кўрсаткичларнинг номлари | Турбина мойи намуналари | | | |
|----|--|-------------------------|------------------|-----------------|-----------------|
| | | Тп Уз - 1 | Тп Уз - 2 | Тп Уз - 3 | Тп - 22С |
| 1. | Кинематик қовушқоқлик, мм ² /с: 40 ⁰ С да 50 ⁰ С да | 29 19 | 36 27 | 26 18 | 27 19 |
| 2. | Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, ⁰ С, дан паст эмас | 186 | 188 | 181 | 180 |
| 3. | Қотиш ҳарорати, ⁰ С, дан юқори эмас | -15 | -17 | -14 | -13 |
| 4. | Қовушқоқлик индекси | 116 | 122 | 115 | 92 |
| 5. | Кислота сони, мг КОН/гр, дан кам эмас | 0,06 | 0,04 | 0,05 | 0,06 |
| 6. | 20 ⁰ С даги зичлиги, кг/м ³ , дан кўп эмас | 885 | 878 | 895 | 872 |
| 7. | Деэмулсацияланиш сони, с, дан кўп эмас | 180 | 180 | 180 | 180 |
| 8. | Калориметридаги ранги, ЦНТ бирлигида, дан кўп эмас | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 |
| 9. | Оксиланишга қарши барқарорлиги: - оксидланишдан кейинги чўкма миқдори - паст молекулали учувчан кислоталар миқдори, мг КОН/г - оксидланишдан кейинги кислота сони, мг КОН/г | - 0,2 0,1 | - 0,03 0,1 | - 0,2 0,1 | - 0,2 0,1 |

Ушбу таққослаш натижаларидан кўриниб турибдики, биз томонимиздан олинган мой намуналари Тп-Уз1, Тп-Уз2 ва Тп-Уз3 маҳаллий Тп – 22с турбина мойига нисбатан юқори сифат кўрсаткичини намоён этди. Ушбу кўрсаткичлардан асосийси ҳисобланган мойларнинг қовушқоқлик индекси фарқи 3 – расмда келтирилган.

Юқоридаги олинган тадқиқотларни таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, биз томонимиздан олинган турбина мойи намуналари ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган турбина мойларидан анча юқори сифат кўрсаткичларига эга ва турбина мойларига қўйилган ISO 8086 бўйича L-TSA ва L-TGA талабларига жавоб беради.

Олинган турбина мойларининг композициялари физик-кимёвий хусусиятларни стандарлар ва техник шартларга жавоб бериши ва улар ФНҚИЗда техник шартлар бўйича ишлаб чиқарилаётган Тп – 22с турбина

мойнинг кўрсаткичларидан эксплуатацион кўрсаткичлари бўйича нисбатан бир неча пунктга баланд эканлиги аниқланди.



3– расм. Олинган ва маҳаллий турбина мойнинг қовушқоқлик индекси

Шуларни инобатга олган ҳолда, илмий ишимизнинг асосий мақсади маҳаллий ФНҚИЗда ишлаб чиқарилаётган турбина мойларининг коллоид – кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларини ошириш бўлганлиги сабабли, ушбу композицияларни замонавий техникаларда реал эксплуатация шароитида эксплуатацион сифат кўрсаткичларини синаш ишларини амалга оширдик.

Ушбу ишларни амалга ошириш учун Италияда ишлаб чиқарилган ва маҳаллий саноатда ҳамда автомобилларга табиий газ шахобчаларида кенг қўлланилаётган GRAFF 115-6-4-2002B марकाдаги газ турбинали компрессори танланди.

Синов жараёни куз фаслидан бошланиб, бир йил давомида ўта мураккаб эксплуатация шароитларида ўтказилди. Танлаб олинган GRAFF 115-6-4-2002B марकाдаги газ турбинали компрессорига Тп – Уз2 ва Тп – 22с мойлари солинди ва бир хил шароитда эксплуатация қилинди. 8000 соат ишлатилгандан сўнг турбинадан ишлатилган мойларнинг намуналари олинди ва ФНҚИЗнинг 17-синов-тадқиқот лабораториясида физик-кимёвий хоссалари тадқиқ этилди. Тадқиқот натижалари 7 – жадвалда келтирилган.

Ушбу жадвалдаги натижаларни таҳлил қилиб, Тп-Уз2 ва Тп-22с мойларининг 8000 соат ишлагандан сўнг ҳам Тп-Уз2 турбина мойининг кинематик қовушқоқлик, қовушқоқлик индекси, қотиш ҳарорати ва калориметрдаги ранги кўрсаткичлари бўйича Тп – 22с мойига нисбатан бир неча пунктларга яхшилиги ва ҳали ҳам стандарт талаблари даражасида эканлиги ва унинг фойдали ва ишончли ишлай олиш ресурси борлиги аниқланди.

Мойларнинг углеводород таркиби ва композициянинг мақбуллиги уларнинг коллоид хоссаларига таъсир этиши ва бу ўз навбатида коллоид таркибнинг барқарорлигига таъсир этди.

**Олинган ва маҳаллий турбина мойларини эксплуатацион шароитдаги
синов натижалари**

| № | Кўрсаткичларнинг номлари | Турбина мойи намуналари | | | |
|----|---|--------------------------|--------------------------|-------------------------|-------------------------|
| | | Тп У3 – 2 0 соат | Тп У3 – 2 8000 соат | Тп – 22С 0 соат | Тп – 22С 8000 соат |
| 1. | Кинематик қовушқоқлик, мм ² /с: 40 ⁰ С да 50 ⁰ С да | 36 27 | 38 28 | 27 19 | 28 20 |
| 2. | Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, ⁰ С, дан паст эмас | 188 | 190 | 180 | 195 |
| 3. | Қотиш ҳарорати, ⁰ С, дан юқори эмас | -17 | -15 | -13 | -11 |
| 4. | Қовушқоқлик индекси | 122 | 118 | 92 | 82 |
| 5. | Кислота сони, мг КОН/г, дан кам эмас | 0,04 | 0,05 | 0,06 | 0,08 |
| 6. | 20 ⁰ С даги зичлиги, кг/м ³ , дан кўп эмас | 878 | 889 | 872 | 898 |
| 7. | Калориметридаги ранги, ЦНТ бирлигада, дан кўп эмас | 2,5 | 3 | 2,5 | 4,5 |
| 8. | Оксиланишга қарши барқарорлиги: - оксидланишдан кейинги чўкма миқдори - паст молекулали учувчан кислоталар миқдори, мг КОН/г - оксидланишдан кейинги кислота сони, мг КОН/г | - 0,03 0,1 | - 0,04 0,2 | - 0,2 0,1 | - 0,3 0,3 |

Турбина мойларининг коллоид барқарорлиги дисперс системадаги дисперс муҳит (турбина мойи) ва дисперс фазанинг (қўндирмаларининг) дисперслилик даражасига боғлиқлиги, бизнинг ишлаб чиққан композициядаги углеводород таркибнинг нисбатан бир хил молекуляр массадаги куйимолекуляр углеводордлардан ташкил топгани ҳамда ҳарорат, босим, металларнинг каталитик таъсири юқори молекуляр углеводородларга нисбатан таркибдаги тўйинмаган углеводородлар, гетероароматик боғлар ҳамда асфальтен ва смолалар миқдорининг камлигига боғлиқлиги аниқланди. Зеро мойларнинг икки дисперс системага ажралиши, ундаги кечадиган жараёнларнинг мойнинг эксплуатацион сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши кузатилди.

Коагуляцияга учраган системада дисперс фаза заррачаларининг (қўндирма зарралари) дисперс муҳит билан дисперс фаза зарраларининг седементацион чўкма ҳосил қилиши, синергетик ўзаро таъсири пасайиб, системанинг антагон таъсири кучайиши кузатилди.

**Олинган ва маҳаллий турбина мойлари ва Тп – 22с мойнинг
RHEOTEST RN 4.1 русумли ротацион вискозиметрида аниқланган
қовушқоқлик индекси синов натижалари**

| № | Кўрсаткичлар номланиши | Синов методи | Тп У3 -2 0 соат | ТпУ3 -2 8000 соат | Тп -22С 0 соат | Тп -22С 8000 соат |
|----|---|---|--------------------|-------------------------|-------------------|-------------------------|
| 1. | Қовушқоқлик индекси | ГОСТ 25371 | 122 | 118 | 92 | 82 |
| 2. | Калориметрдаги ранги, ЦНТ бирилигида | ГОСТ 20284 | 2,5 | 3,5 | 2,5 | 4,0 |
| 3. | Динамик қовушқоқлик, сП, -250С да, 7000 дан кўп эмас | ASTM D 5293 (паст ҳароратли динамик қовушқоқлик) | 6890 | 7750 | 8680 | 9350 |
| 4. | Динамик қовушқоқлик, сП, 150 °С да, силжиш тезлиги (106 с/л)да, 3,5 дан кам эмас | ASTM D 5481 (юқори хароратли динамик қовушқоқлик) | 3,8 | 4,2 | 5,6 | 6,4 |

Турбина мойларини динамик қовушқоқлигини аниқлаш орқали унинг турбинадаги ҳаракатини имитация қилиш. Юқорида келтирилган жадваллардаги турбина мойлари учун ISO 8086 бўйича L-TSA ва L-TGA талаблари асосида мойларни турбиналардаги юқори ҳарорат, босим, юкланиш ва деформация каби реал динамик ҳолатларда ўзининг керакли хусусиятларини максимал сақлаган ҳолатда ишончли ҳимоя қилиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни нисбатан баҳолаш учун ротацион вискозиметрия усулида эксплуатацион синовлардан ўтиши шарт.


Германиянинг **RHEOTEST RN 4.1** русумли ротацион вискозиметрда (HTHS-high temperature high share) яъни юқори ҳарорат ва юқори силжиш тезлигидаги ва MRV (Micro Rotary Viscometr) вискозиметрида паст ҳароратдаги динамик қовушқоқлик кўрсаткичлари аниқланди ва таҳлил этилди. Синов натижалари 8 – жадвалда келтирилган.

Юқоридаги кўрсаткичларни ҳисобга олиб, уларнинг маълум бир эксплуатация муддати яъни 8000 соат ишлагандан кейин намуналар олинди ва яна юқорида келтирилган жиҳоз ва қурилмалар ёрдамида қайта тадқиқ қилинди.

Турбина мойларининг коллоид барқарорлигининг асосий омиллари бўлган дисперс системанинг маълум эксплуатация муддатидан сўнг дисперслилик даражасини йўқотиши, яъни оксидланиш натижасида молекулаларнинг ўзаро бирикиб йириклаши оқибатида коагуляция жараёнининг тезлашиши билан боради. Жадвални №2 қаторида берилган турбина мойларининг ЦНТ колориметридаги бирлигининг ошиши мойнинг рангининг оч тусдан тўқ тусга ўтиши билан ифодаланади. Колориметр


бирлигининг ўсиши мойдаги дисперс кўндирмаларнинг мойнинг дисперс ҳолатини сақлаш имкониятлари сустлашиб, уларда коагуляция натижасида дағал дисперс системага ўзгариши билан кузатилди. Коагуляция жараёни кучайиб, мойнинг ранги тўқ тусга ўзгаргани баробарида қовушқоқлик индекси ва паст ҳароратли динамик қовушқоқлик хоссалари сусайгани аниқланди. Аксинча, юқори ҳароратли динамик қовушқоқлик хоссари яхшиланиши кузатилди.

Юқори эксплуатацион хоссали турбина мойларини янги композициялари олиш технологиясини ишлаб чиқиш. Бугунги кунда ФНҚИЗда турбина мойи Тп-22с куйидаги технологик тизим орқали ишлаб чиқарилади.



4 – расм. Тп-22с турбина мойини ишлаб чиқариш технологик тизими

Юқоридаги технологик тизимдан кўриниб турибдику, бу жараёнда асосан II - нчи мой фракциясидан 85 %, III – нчи мой фракциясидан эса 15 % да ва кўндирмалар қиздирилмасдан қўшиб фойдаланилган. Бу эса турбина мойини олишда коллоид – кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини пасайтиради.



5– расм. Юқори сифатли дизел мойлари ишлаб чиқаришнинг технологик тизими

Айниқса кўндирмаларнинг қиздирилмасдан аралаштирилиши уларнинг мойга тўлиқ аралашмаслигига олиб келиб натижада мойнинг дисперслигига таъсир қилади ва унинг коллоид барқарорлиги камаяди. Бу тизимнинг яна бир камчилиги унинг даврий ишлашидадир. Олиб борилган тадқиқотлар асосида юқори сифатли турбина мойларини ишлаб чиқаришнинг янги технологик тизимини ишлаб чиқдик. (5 – расм).

Ушбу технологик тизим ёрдамида коллоид – кимёвий ва эксплуатацион хоссалари яхшилانган турбина мойи ишлаб чиқариш мумкин. Биз томонимиздан таклиф этилаётган тизимда II-нчи мой фракциясидан 70 %, III -нчи мой фракциясидан 30 % фракциялари аралаштирилиб, иссиқлик

алмашилиш қурилмасига берилади ва 120 °С гача қиздирилиб, кейин қўндирма қўшилади. Янги тизимда биз ПМС - 200А қўникланишни олдини олувчи қўндирмани ҳам аралаштирамиз яъни бу композиция аралаштиргичга боргунча қувурда ва аралаштиргичда тўлиқ аралаштирилади. Натижада тўлиқ аралашган юқори сифатли турбина мойи композицияси олинади.

ХУЛОСА

1. Ҳозирги кунда, ФНҚИЗдида ишлаб чиқарилаётган Тп-22с ва олинган турбина мойларининг эксплуатация шароитидаги хоссалари аниқланди. Мавжуд базавий мойларнинг сифати, уларнинг таркибидаги углеводород гуруҳларининг таркибига ва миқдорига ҳамда турли қўндирмаларни қўшиш орқали эришиладиган коллоид барқарорлигига боғлиқлиги аниқланди.

2. Базавий мой таркибида изо-тузилишга эга парафин ва нафтен углеводородлар мойнинг қовушқоқлик индекси, мойлаш, оксидланишга қарши, детергент-дисперсловчи каби эксплуатацион хоссаларига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

3. Турбина мойлари учун замонавий қўндирмалар ва уларнинг мойлари коллоид-кимёвий хоссаларига таъсир механизми ўрганилди. Аниқландики, парафин-нафтен углеводородлардан ташкил топган нисбатан суяқ енгил мой фракцияларини қовушқоқлик қўндирмалари қўшиб, юқори индексли сифатли турбина мойлар олиш мумкинлиги исботланди.

4. Юқори сифатли сифатли турбина мойлари олиш учун маҳаллий базавий мойлар ва функционал қўндирмаларни компаундлашнинг муқобил нисбатлари топилди. Тадқиқоқ ва эксплуатация синов натижалари асосида базавий мойларнинг II фракцияси 70 % ва III фракцияси 30% дан ташкил топган композицияси мақбул эканлиги аниқланди. Ушбу композицияга ионол 0,8 % , Д-157 0,02%, В-15/41 0,02 % ва ПМС-200А қўндирмасидан 0,003% киритиш орқали унинг эксплуатацион хоссаларини яхшиланиши яъни, оксидланишга барқарорлигини, коррозияга бардошлилигини, деэмулгирланиш ва қўпикланишини олдини олиши таъминланди.

5. Олинган турбина мойи композициялари ишлаб чиқарилаётган Тп-22с мойига нисбатан юқори сифат кўрсаткичларига эга эканлиги ва турбина мойларига қўйилган замонавий талабларга мос келиши эксплуатация синовлари орқали исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ХУЖАКУЛОВ АЗИЗ ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОЛЛОИДНО-ХИМИЧЕСКИХ И
ЭКСПЛУАЦИОННЫХ СВОЙСТВ ТУРБИННЫХ МАСЕЛ,
ПОЛУЧЕННЫХ ИЗ МЕСТНОГО НЕФТЯНОГО СЫРЬЯ**

02.00.11 - Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/T2457.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара (www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz)

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный руководитель: | Хамидов Босит Набиевич доктор технических наук, профессор |
| Официальные оппоненты: | Адизов Бобиржон Замирович доктор технических наук |
| | Эркабаев Фуркат Ильясович доктор технических наук. |
| Ведущая организация: | Ташкентский Государственный Университет имени Ислама Каримова |

Защита состоится «24» марта 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии и Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanuz@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 5, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «10» марта 2022 года
(реестр протокола рассылки № 5 от «10» марта 2022 года.



Б.С. Закиров
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф.

Д.С. Салиханова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., проф.

И.Д. Эшметов
Заместитель председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученой степени, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Повышение качества масел, производимых для нефтегазовой отрасли в мире, требует постоянного совершенствования. Они должны соответствовать стандартам, установленным производителями современного оборудования, а также соответствовать техническим требованиям горюче-смазочных материалов, используемых во всем мире. В настоящее время совершенствование технологии получения турбинных масел с высокими коллоидно-химическими и эксплуатационными свойствами и повышение её эффективности имеет важное значение.

В настоящее время является необходимым на основе базовых масляных дистиллятов научно обосновать соответствующие решения по направлениям, осуществляемым производством турбинных масел с длительными эксплуатационными ресурсами, которые демонстрируют свои высокие эксплуатационные характеристики во всем мире и сохраняют свою химическую и дисперсионную стабильность в различных тяжелых эксплуатационных условиях. В частности, является важным определение химического состава и коллоидно-химических свойств отечественных турбинных масел; изучение их влияния на эксплуатационные характеристики; коллоидно-химические закономерности получения новых композиций турбинных масел путем компаундирования местных базовых масел и различных функциональных присадок; разработка оптимальных условий для процесса получения турбинных масел, отвечающих современным требованиям.

В нашей республике достигнуты научно-практические результаты по созданию и применению технологии получения турбинных масел с улучшенными коллоидно-химическими свойствами на основе местного нефтяного сырья. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего, производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов на качественно новый уровень, направленный на ускоренное развитие»¹. В связи с этим, важно интенсифицировать процесс получения турбинных масел на основе различных многофункциональных видов присадок из местного сырья, разработать научно-технологические основы их направления по химическим и экологическим свойствам.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «Стратегия действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 25 октября

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан»

2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О дальнейших реформах и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

